



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 24 октябрь, № 214 (6908) Сешанба

Сайтимида ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

#### «Жасорат» медаллари билан

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорлини таъминлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, хизмат бурчини баҳариш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда мардлик ва жасорат кўрсатгани ҳамда ёш авлодни она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотланган:

#### II даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Юлдашев Акмалжон Нуриддинович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тезкор таъминлаш бошқармаси бошлиғи

#### «Дўстлик» ордени билан

**Анисимов Виталий Васильевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили  
**Раметов Махмуд Махсатович** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

#### «Мардлик» ордени билан

**Абдусаттаров Жамшид Турсунбоевич** (мархум) — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати батальони катта инспектори  
**Баймирзаев Аваз Рустамбекович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси Янгийўл тумани ёнги хавфсизлиги бўлими хавфсизлаштирилган ёнги хавфсизлиги қисми бўлими командири

**Мирзаев Баходир Бахтиёрович** (мархум) — Тошкент вилояти Бўка тумани ички ишлар бўлими автотранспорт воситалари техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоидалари ва меъёрига амал қилишни назорат этиш бўлими катта инспектори  
**Тиллаев Аваз Мансурович** — Фарғона вилояти Қўқон шаҳар ички ишлар бошқармаси профилактика катта инспектори  
**Умрақов Зиёвуддин Махаммадсолиевич** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Абдураҳманов Абдураҳмон** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари  
**Жабборов Отабек Камолитдинович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари  
**Мажидов Зоҳид Абдураҳманович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари  
**Рузиев Фаррух Талъатович** — Тошкент шаҳар Олмасор тумани ички ишлар бошқармаси профилактика катта инспектори  
**Самаров Саҳобжон Собиржонович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими катта офицери  
**Хожимуродов Бобир Рафурович** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнги хавфсизлиги бошқармаси Жиззах шаҳар ёнги хавфсизлиги бўлими катта инспектори  
**Эргашев Хасан Тўхтамуродович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

#### «Содиқ хизматлари учун» медаллари билан

**Адхамов Каримжон Комилевич** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнги хавфсизлиги бошқармаси Фарғона шаҳар ёнги хавфсизлиги бўлими бошлиғи  
**Занитов Уллубек Абдураҳманович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — тергов бошқармаси бошлиғи  
**Қазоқов Хамид Машарибович** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси хуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари  
**Қурбанов Махсуд Хошимович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи  
**Миралимов Миржамол Юлдашевич** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи  
**Пардаева Уғилшоҳ Нарматовна** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси кадрлар бошқармаси бошлиғининг ташкилий-шғат ишлари бўйича ёрдамчиси

**Садиков Акрамхон Абдулазизович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи  
**Тиллаев Рузикул Икромович** — Навоий вилояти Нурота тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори  
**Хамраев Мустафо Умарович** — Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори  
**Эргашев Ойбек Ахматович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи  
**Юсуббаев Темур Куандикович** — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

#### «Шуқрат» медаллари билан

**Азизов Сарвар Муйсинович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари  
**Бухаров Рафик Ботирович** — Жиззах вилояти Зафаробод тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори  
**Норкулов Ғайратжон Номозович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили  
**Сойидов Ғайратилла Нигматиллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнги хавфсизлиги бошқармаси мураккаб ёнги ишларни ўчирish бўйича республика ихтисослаштирилган отряди экипаж командири  
**Саттаров Жасурбек Зуфарович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус отряди гуруҳ командири  
**Сафаров Дилшод Чориевич** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси  
**Хайрилов Алишер Чориевич** — Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори  
**Юсуббаев Нурлан Эрмухамедович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони хайдовчи-ходими

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**  
Тошкент шаҳри,  
2017 йил 23 октябрь

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг таклифига биноан 2017 йил 25-26 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Туркияда бўлади.

Анкара шаҳрида бўлиб ўтадиган олий даражадаги музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Туркия ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш, глобал ҳамда минтақавий таҳдид ва хатарларга қарши биргаликда курашиш масалалари муҳокама қилинади, халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилади.  
Ўзбекистон делегацияси, шунингдек, Истамбул шаҳрига ҳам ташриф буюради.  
Ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, Ўзбекистон ва Туркия ишбилармон доиралари ўртасида ўзаро манфаатли алоқалар учун қулай шароитлар яратиш, сайёҳлар алмашинуви ва маданий-гуманитар алоқаларни фаоллаштиришга қаратилган кўплаб ҳуқуматларо ва идораларо ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

## Ўзаро ҳурмат, очиқлик ва хайрихоҳликка асосланган ҳамкорлик

Одатда оқилона ички сиёсатнинг мантиқий давоми бўлган ташқи сиёсат яхши ташқи сиёсат ҳисобланади. Ўз-ўзидан аёниқ, бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодий ҳаёти бошдан-охир халқнинг ҳаётий манфаатлари, фуқаролар фаровонлиги, бошқа мамлакатлар билан ўзаро дўстона муносабатларни таъминлашга қаратилган босис янги мазмун-моҳиятга эга бўлди. Республика Президенти Шавкат Мирзиёевнинг прагматизм заминидagi устуворликка асосланган ташқи сиёсий стратегияси амалда ўзининг салмоқли натижаларини беришда давом этмоқда.

### БИЗ ВА ЖАҲОН

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон 2016 йил сентябрда Ўзбекистон Президентининг жорий йил 25-26 октябрь кунлари ушбу мамлакатга буюрадиган давлат ташрифи даврида Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётига таъсир қилган бўлиб, деб ҳисоблашгани таъкидлаган эди. Ўз навбатида, Шавкат Мирзиёев республикамиз Туркияга ҳамкорлиги ўзаро ишонч таъминлаш асосига қурилган муҳим ҳамда узоқ муддатли шерик сифатида қарашини кайт эйти.

Икки мамлакат ҳуқуқат делегацияларининг ўзаро ташрифлари ва мунтазам равишда ўтказилган давра сўхбатлари ҳамда бизнес форумлари кейинги пайларда ўзаро муносабатлар янада чуқурлашиб бораётганини яққол тасдиқлайди. Жумладан, яқинда — 5 октябрда Бош вазир ўринбосари Жамшид Қўчқоров бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Туркияда бўлди. Ташриф чоғида Туркиянинг қатор вазирлик ва идоралари раҳбарлари билан учрашув ҳамда музокара, Истамбулда қўшма бизнес форуми бўлиб ўтди.

Маълумки, кўп асрлик тарих, лисоний ва ягона диний яқинлик, муштарак урф-одат, анъана ҳамда қадриятлар ўзбек ва турк халқлари бир-бирлари билан ҳамкорликка боғлаб туради. Мамлакатларимиз ўртасидаги ана шундай пойдевор устига қурилган дўстона алоқалар замонавий босқичда ҳам изчил мустақамлашиб бормоқда. Турли йиллар давомида Ўзбекистон ҳамда Туркия давлат ва ҳуқуқат раҳбарларининг бир неча мартаба ташриф алмашувлари бўлиб ўтди.

Туркия етакчиси Режеп Таййип Эрдоғон 2016 йил сентябрда Ўзбекистон Президентининг Ислон Каримовнинг ёрқин хотирасига ҳамда келтириш учун Самарқандда бўлган чоғида ўз мамлакатини Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги устувор шериги, деб ҳисоблашгани таъкидлаган эди. Ўз навбатида, Шавкат Мирзиёев республикамиз Туркияга ҳамкорлиги ўзаро ишонч таъминлаш асосига қурилган муҳим ҳамда узоқ муддатли шерик сифатида қарашини кайт эйти.

Икки мамлакат ҳуқуқат делегацияларининг ўзаро ташрифлари ва мунтазам равишда ўтказилган давра сўхбатлари ҳамда бизнес форумлари кейинги пайларда ўзаро муносабатлар янада чуқурлашиб бораётганини яққол тасдиқлайди. Жумладан, яқинда — 5 октябрда Бош вазир ўринбосари Жамшид Қўчқоров бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Туркияда бўлди. Ташриф чоғида Туркиянинг қатор вазирлик ва идоралари раҳбарлари билан учрашув ҳамда музокара, Истамбулда қўшма бизнес форуми бўлиб ўтди.

## Ўзбекистон оқилона ташқи сиёсатининг халқаро эътирофи

Америка сиёсат ва дипломатик доираларида ҳамда экспертлар ҳамжамиятида катта нуфузга эга "Real Clear World" нашрида эълон қилинган "Corsair LLC" консалтинг компаниясининг бошқарувчи директори Жеймс Дурсонинг "Ўзбекистон янги марраларни қўлламоқда" деб номланган мақоласини ўқиган ҳар бир оқиломизнинг қалбиди чексиз гурур ва фахр ҳисси уйғониши, шубҳасиз.

### МУНОСАБАТ

Чунки яқин-яқингача Фарб матбуотида Ўзбекистон ҳақида ҳолис, ижобий руҳдаги материалларни учратиш амримаҳол эди. Бугун дунёнинг энг нуфузли оммавий ахборот воситалари — "The Wall Street Journal", "The Financial Times", "Forbes", "The Bloomberg" нашрларида ҳам мамлакатимиздаги ислохотлар, ижил ва фаол ташқи сиёсатимиз алоҳида эътироф этилмоқда.  
Албатта, муайян давлат ҳақида сўз кетганда, тасаввуримизда ўша худуд билан боғлиқ тарихий шахслар, ёдгорликлар, миллий қадриятлар намоён бўлади. Қайсидир мамлакат аҳлини меҳнаткаш, кимнидир тартибли, бошқа бирини меҳмондўст, дейимиз. Швейцария виқорли тоғлари, Франция Эйфель минораси, АҚШ Озодлик ҳайкали билан ҳаёлимизда гадаланади. Буларни, қайсидир маънода, ҳар бир давлатнинг "ташриф қоғози" дейиш ҳам мумкин.  
Ўзбекистон эса Буюк Ипак йўли марказида жойлашган, қадимий тарих ва бой маданиятга эга, буюк алломулар етишиб чиққан замин сифатида жаҳонга танилган. Сўнгги бир йил ичида мамлакатимизда келадиган туб янгилашлар, ижил ва фаол ташқи сиёсат, айниқса, Марказий Осиё минтақасидаги яқин

қўшничилик муҳити тобора мустақамланаётгани юртимизнинг халқаро нуфузини ошириб, Ўзбекистоннинг ўзига хос "ташриф қоғози"ни мазмунан бойитмоқда, десак, янглишмаймиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг изчиллик, жадаллик, пухта ва аниқ ечимларга асосланган ички ҳамда ташқи сиёсати ўзининг ҳаётийлиги, оддий одамлар узоқ кутган эзгу ислохотлар сифатида ҳам халқаро ҳамжамиятнинг юксак баҳосига сазовор бўлмоқда.  
Жеймс Дурсо алоҳида қайд этганидек, жуда қисқа вақт ичида Ўзбекистон қўшни мамлакатлар билан чегара ва сув ресурсларига доир бахсли ҳолатларга ечим топиш, миллий валюта конвертациясини таъминлаш, инсон ҳуқуқларига риоя этиш, Фарб оммавий ахборот воситалари ва ноҳуқумат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш каби масалаларни ҳал қилишга фаол киришиди. Шавкат Мирзиёев қўшни мамлакатлар, узоқ ва яқин хорж давлатлари, жумладан, Россия, Хитой, АҚШ, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ва бошқа давлатлар билан ҳамкорликни жадал кенгайтирмоқда.

(Давоми 2-бетда).


## Жаҳон пахта бозорининг йирик маркази

Кеча Тошкент шаҳрида Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси (ICAC)нинг "Глобаллашув ва технологик тараққиёт даврида пахта" мавзусидаги етмиш олтинчи ялпи мажлиси ҳамда XIII халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ўз ишини бошлади.



Юртимиз жаҳон пахтачилик ва тўқимачилик соҳасида юксак мавқега эга етакчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. Айниқса, истиқлол йилларида амалга оширилган тизимли ислохотлар натижасида дунё миқёсида пахта толаси бозори сиёсатини белгилаб берувчи, тўқимачилик маҳсулотлари савдоси тартиб-қоидаларини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи йирик марказлардан бирига айланди.  
Дарҳақиқат, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ҳаётга татбиқ қилинган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, иқтисодий соҳалари, хусусан, қишлоқ хўжалигининг пахтачилик тармоғи тубдан ислох этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



## КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



### Тараққиётимиз ва фаровонлигимиз кафолати

Бир пайла чойни оиламиз даврасида, ширин сўхбат чоғида ичар эканмиз, албатта, шу тотли онлар, фаровон турмуш, қалбимиз хотиржамлиги учун шуқрона айтмиш. Бу бебаҳо нобматларни бизга истиқлол берди. Асосий Қонунимиз эса бахтимиз пойдевори бўлди.  
Дарҳақиқат, бу ҳужжат юртимиз осойишталиги, халқимиз фаровон ҳаётининг мустақам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилаётди. Эеро, Конституциямиз орқали бизга билим олиш, эркин касб

(Давоми 3-бетда).

## Кўрсаткич эмас, натижа муҳим

Мамлакатимиз раҳбарининг жорий йил 12 июлдаги Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида сиёсий партиялар, уларнинг парламент куйи палатаси фракциялари фаолияти танқидий-таҳлил қилинган эди.

### ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Қонун лойиҳаларини парламентда муҳокама этиш ва қабул қилишда фракцияларнинг ўрни, уларнинг партиявий ёндашуви ҳамда қатъий позициясини кучайтириш зарурлиги таъкидланганди. Хўш, ўтган вақт мубайнида партиялар фракциялари фаолияти қандай ўзгаришлар юз берди? "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурини амалга оширишда уларнинг иштироки қандай бўлапти?  
Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палата-

(Давоми 2-бетда).

# Ўзаро ҳурмат, очиқлик ва хайрихоҳликка асосланган ҳамкорлик

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Шу ўринда Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигининг шартномавий-ҳуқуқий замини мустақкам бўлиб, у 65 та шартнома ва битимдан иборат эканлигини қайд этиш жоиздир. Ушбу ҳужжатлар савдо, иқтисодиёт, илм-фан, сайёҳлик, транспорт, маданият ҳамда бошқа соҳаларни қамраб олган. Олдинда турган олий даражадаги ташриф чоғида томонлар 20 дан зиёд шартномалар ва битимларни имзолаш режалаштирилган. Мамлакатларимиз ўзаро му-

носабатларда ҳар икки томон учун манфаатли бўлган савдо-иқтисодий алоқаларга катта эътибор қаратмоқда. Туркия Ўзбекистоннинг муҳим ҳамда йirik савдо шерикларидан бири саналади. Ҳозирги пайтда юртимизда турк капиталли иштирокчида 479 та компания, шу жумладан, 199 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. 53 та турк компаниясининг ваколатхонаси рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистонда ваколатхонаси 1993 йилдан буён фаолият кўрсатган Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлигининг (ТИКА) сайёҳаракатла-

ри юксак баҳога лойиқ. Ўтган давр мобайнида мазкур тизим тиббиёт ҳамда таълим муассасаларининг моддий-техникавий заминини модернизациялашда, қишлоқ ҳўжалиги, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилишда фаол иштирок этди. Биргина 2016 йилгача бўлган даврда ана шу мақсадлар учун ушбу агентлик томонидан 23 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилди. Маданий-гуманитар алоқалар ҳам изчил ривожланаётган. Икки мамлакат жамоатчилиги-

ни Ўзбекистон ҳамда Туркиянинг тарихий, маданий, сайёҳлик, илмий ва маънавий салоҳияти билан яқиндан таништиришга бағишланган кўплаб тадбирлар ўтказилаётган.

Жумладан, 2013 йили "Тантана" болалар фольклор ансамбли Ўзбекистонда Истамбулда ўтказилган халқаро тадбирларда қатнашди. "Хунарман" уюшмаси усталари Анкарада уюштирилган халқ амалии санъати халқаро кўргазмасида Ўзбекистон салоҳиятини намойиш этди.


Туркия иқтисодий жамоалари Самарқанда ташкил қилина-

диган аънавий "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг фаол иштирокчилари ҳисобланади.

Бундан ташқари, ўтган йилнинг июнь ойида Анкарада Ўзбекистон маданияти кунлари, сентябрь ойида эса Истамбул санъат галереясида Ўзбекистон рассомлари асарларининг ўн кунлик кўргазмаси бўлиб ўтди. Туркия давлат телерадиокомпанияси (ТРТ) мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим саналар муносабати билан Тошкентда уюштирилган тантанали тадбирларни ретрансляция қилишни тажри-

бадан ўтказётгани баробарида, республикамиз эришган муваффақиятлар ва унинг диққатга сазовор масканлари ҳақидаги репортажларини ҳам намойиш этмоқда.

Мухтасар айтганда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга буюражак давлат ташрифи ўзаро ҳурмат, очиқлик ҳамда хайрихоҳликка асосланган узоқ муддатли ва кўп қиррали ҳамкорликни мустақкамлаш учун ҳар икки мамлакатга яхши имкониятлар яратишига шубҳа йўқ. Қолаверса, олий даражадаги музокаралар мамлакатларимизнинг гуллаб-яшнаши ҳамда халқларимиз фаровонлиги йўлида давлатлараро муносабатларни янада эътиборли даражага кўтарди.



## Кўрсаткич Эмас, Натижа Муҳим

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Таъкидланганидек, фракция аъзолари тасдиқланган иш режага мувофиқ, ҳисобот даврида қонун лойиҳалари устида олиб бораётган ишларини янада фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратди. Чунки, фракциянинг кенгайтирилган йўналишларида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлислари муҳокамасига киритилган 88 та қонун лойиҳаси биринчи ва кейинги ўқишларда кўриб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳалари бўйича фракция аъзолари томонидан партия дастурий мақсадлари асосида 350 дан ортиқ тақлифлар ишлаб чиқилди ҳамда масъул қўмиталарга тақдим этилди. Уларнинг 200 га яқини қонунларда ўз аксини топди.

Депутатларнинг қонун лойиҳаларини жойларда кенг жамоатчилик вакиллари ва фуқаролар иштирокида муҳокамалардан ўтказётгани кутилган натижаларни бермоқда. Мисол учун, ҳозирги вақтга қадар 44 та қонун лойиҳаси муҳокама учун партия ташкилотларига юборилган. Тадбирлар доирасида билдирилган фикр ҳамда тақлифлар умумлаштирилиб, фракция йўналишларида кўриб чиқилган. Ингирмадан зиёд тақлифлар қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун масъул қўмиталарга тақдим қилинган.

Анжуманда фракция аъзоларининг жойларда сайловчилар билан ўтказётган учрашувлари, фуқаролар муносабатлари билан ишлаш натижалари тўғрисида ҳам маълумот берилди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида республикамизнинг 67 та туманидаги ҳақиқий ҳолат ўрганилиб, таҳлил қилинди. Аҳоли хонадонларига борилди, мулоқотлар чоғида фуқароларни ўйлантираётган кўплаб муаммолар ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар натижасида жойида ҳал этилди. Шунингдек, фуқароларнинг юздан зиёд ёзма муносабатлари ўрганилиб, тегишли вазирлик ва ташкилотларга юборилгани ҳамда 96 тасига ижобий ечим топилгани айtilди.

Фракциянинг назорат-таҳлил фаолияти ҳам иштирокчиларнинг диққат-эътиборида бўлди. Анжуманда журналистлар фракцияга фаолиятига оид ўзларини қизиқтирган саволларга атоқлиқ жавоб олдилар.

Зиёда АШУРОВА.

# Ўзбекистон оқилона ташқи сиёсатининг халқаро эътирофи

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Маълумки, юртимизни яқин истиқболда тараққий эттиришга мўлжалланган Харакатлар стратегиясида Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничлик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустақкамлаш устувор вазифалар қаторида белгиланган. Бу эзгу мақсад шунчаки баландпарвоз шир бўлиб қолмасдан, балки амалда ўз ифодасини топаётгани минтақада, айниқса, чегарадош ҳудудларда истиқомат қилаётган миллионлаб кишилар ҳаётида эзгу саҳифа очмоқда. Умуман, янги ташқи сиёсатимиз шунчаки сиёсат учун эмас, балки халқимиз учун муносиб турмуш даражасини яратиш, юртимизни тараққий топтириш, одамларнинг келажакка бўлган ишончини мустақкамлашдек аниқ мақсадларга қаратилган. Ҳўш, бу нималарга намойиш бўляпти?

Аваламбор, Президентимизнинг қўшни мамлакатлар раҳбарлари билан мунтазам равишда учрашётганлиги халқларимиз манфаатларига қаратилган долзарб масалаларда муҳим келишувларга эришишига

замин яратмоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида алоҳида қайд этилганидек, Туркманистон, Қозғистон, Қирғизистонга амалга оширилган давлат ва амалии ташрифлар доирасида, шунингдек, турли халқаро саммитлар доирасида минтақа раҳбарлари мунтазам равишда мулоқот ўтказиб келаятигани самараси ўларок, ўтган қисқа вақт мобайнида минтақада принципиал жиҳатдан мутлақо янги сиёсий муҳит яратилди. Ушбу муҳитни ўзгартириш конструктив ҳамкорликка асосланган яхши кўшничлик ва ҳамжиҳатлик муҳити, деб бемалол айта оламиз.

Ўз навбатида, Ўзбекистон минтақа мамлакатлари билан энг нозик масалалар ечимида, айниқса, давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш борасида прагматик ёндашиб, тарихий келишувларга эришмоқда. Биргина мисол: мамлакатимиз раҳбарининг қатъий сиёсати туфайли ўзбек-қирғиз давлат чегарасининг 80 фоиздан ортиги бўйича шартнома имзоланган. Президентимиз таъбири билан айтганда, томонлар ўз сиёсий иродасини, ўзаро мақбул қарорлар,

қабул қилишга тайёрлигини намойиш этгани туфайли ўтган йилгирма олти йил давомида биринчи марта ушбу нозик масала бўйича олдинга силжиш юз берди.

Фарғона vodiysida "Дўстлик", "Маданият", "Водил", "Риштон", "Қосонсой" сингари чегара постлари, Қозғистонда "Мақтарал" чегара пунктларининг очилиши одамларнинг борди-келди алоқаларига ва ўзаро савдо-сотиқнинг кенгайишига хизмат қилаёпти. Умуман, чегаралардаги назорат-ўтказиш пунктлари ишининг қайта тиклангани ва минтақадаги мамлакатлар аҳолиси харақатланиши учун енгилликлар яратилгани ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг оқилона минтақавий сиёсатининг муҳим натижалари бўлди.

Қозғистон Республикасининг Ўзбекистондаги Факултетада ва мухтор элчиси Ерик Утембаев мана шу ҳаётий ҳақиқатни назарда тутиб, 2017 йил Марказий Осиё давлатлари учун тарихий аҳамиятга молик йил бўлди, деб таъкидлагани бежиз эмас, албатта.

Сир эмас, кўп ҳолатларда мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича фаолияти айрим ҳалқаро ташкилотлар томонидан

танқид қилинар эди. Бироқ сўнгги бир йилдан буён Ўзбекистон ўзининг демократик қадриятларига содиқлигини қатор амалии сайёҳаракатлар ва чора-тадбирлар билан исботламоқда. Чунки, хорижга чиқиш визаси сингари одамларнинг эркин харақатланишини чеклайдиган, умрини мутлақо ўтаб бўлган ортиқча механизм бекор қилинди.

Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари нўфузини ҳимоя қилиш масалалари бўйича миллий ва халқаро нодавлат ташкилотлар билан очиқ мулоқот тобора фаоллашиб бормоқда. Жумладан, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари Зайд Раад ал-Хусайн, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид бошчилигидаги делегация, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича етакчи ташкилотлардан бири — "Хьюман Райтс Вотч" вакиллари Ўзбекистонга ташрифи муваффақиятли амалга оширилди. Ушбу ташрифлар натижасида ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари очиқ-ойдин муҳокама қилинди.

Европа Тиклашиш ва тараққийт банки (ЕТБ) эса мамлакатимизга

яна кредитлар ажратишни бошлади: шу йилнинг 18 октябрь кунин Лондонда ЕТБ Директорлар кенгаши томонидан Ўзбекистонда молиялаштириш учун иккита лойиҳа маъқулланди. Бундай қарорлар қабул қилинишида, албатта, юртимизнинг миллий валютани эркин конвертация қилиш тизимига тўлиқ ўтиш йўлидаги дадил қадамлари ҳал этувчи омил бўлмоқда.

Умуман, ана шу каби хайрли сайёҳаракатлар юртимизнинг халқаро нуфузини ошириб, инвестициявий жозибдорлигини мустақкамламоқда. Эро, йирик-йирик компаниялар ва сармоядорларнинг барчаси Ўзбекистонда бизнес юритиш истиқболларини Марказий Осиёнинг улкан бозори билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрадилар.

Шу маънода айтганда, мамлакатимизга халқаро миқёсда эътибор ҳамда қизиқишининг тобора ортиб бораётганини Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистоннинг янгиланган ички ва ташқи сиёсати қатъият билан амалга оширилаётгани маъсумлидир.

Қодир ЖўРАЕВ, сиёсий фанлар доктори.

# Жаҳон пахта бозорининг йирик маркази

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Натижада ғўза экин майдонлар оптималлаштирилиб, пахта етиштириш ва уни чўқур қайта ишлашнинг барча босқичини тўлиқ қамраб оладиган пахта-тўқимачилик кластерлари бунёд этиляпти. Айни пайтда Бухоро, Навоий, Сирдарё вилоятларида шундай лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинаётган бўлиб, бу сайёҳаракатлар замирида тез орада заминимизда етиштирилаётган пахта толасининг қамиди 80 фоизини ўзимизда қайта ишлашга эришиш мақсади муҳассамдир. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткич истиқлолнинг дастлабки йилларида 7 фоиздан ҳам пахта эди.

Халқаро тадбирларнинг очилиш маросимида сўзга чиққан "Ўзпахтасаноат-экспорт" холдинг компанияси раиси А. Камалов ва бошқалар бугунги кунда мамлакатимизда пахтачилик тармоғида илгор инновациялар, интенсив агротехнологияларни қўллаш орқали ҳосилдорликни ошириш, қайта ишлаш корхоналарини сифатли хом ашё билан таъминлаш, четга тайёр маҳсулотлар етказиб бериш, Ўзбекистоннинг янги имижини яратиш бўйича кенг қўламли ишловлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидлади. Шу билан бирга, 2017 — 2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури бевосита экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамми ҳамда турларини янада кенгайтириш борасидаги ишларни юқори поғонага олиб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу ҳужжатга биноан, умумий қиймати 2 миллиард 200 миллион долларлик 132 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилиши белгилаб берилгани, ўз навбатида, тармок экспорт салоҳиятини 2 баробар кўпайтиришга мустақкам замин ҳозирляпти.

— Бугун амалиётда замонавий қишлоқ ҳўжалиги ибораси кенг қўлланилмоқда, — дейди Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси ижрочи директори Кай Хьюз. — Бу кейинги пайтда бутун дунёда кузатилаётган иқлим ўзгаришлари, экологик хатарларга мослашувчан бўлиш, дегандир. Яъни амалиётда илгор агротехнологияларни қўллаш, сувсизлик ва узгарувчан тақши муҳитга бардошли бўлишга навларини яратиш, ресурс тежамкор усулларни қўллаш ҳисобига мўл ҳосил етиштириш назарда тутилмоқда. Шу жиҳатдан Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалиги ислоҳ қилиниб, пахтачилик тармоғига замонавий корпоратив бошқарув усуллари жорий этилаётгани, ғўзанинг янги навларини яратиш, сув таъминлаган технологияларни қўллаш, касаллик ва зараркундаларга қарши курашиш чора-тадбирлари биологик усулда олиб борилаётгани унинг жаҳон пахта бозоридagi мавқеи тобора мустақкамлашида муҳим омил бўляпти.

Қўмитанинг 75-йилли мажлиси Испомобод шаҳрида бўлиб ўтган эди. Испомобод тўқимачилик вазирилик қўмитаси Иқбол Ҳасан ўз қишлоқда айтганидек, бу галги мажлисга мезбон сифатида Ўзбекистон танлангани бежиз эмас. Чунки у нуфузли тадбирлар, йирик форумлар ўтказиш учун бой тажрибага эга давлатдир. Бунга қўмитага тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қўшилган 1992 йилдан кўп вақт ўтмай, яъни 1996 йилда ташкилотнинг 55-йилли мажлисини юқори савияда ташкил этгани яққол мисол бўла олади.

Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 28 июндаги фармойишига мувофиқ, бу галги форумга пухта тайёрлаган кирилиди. Бундан қўзланган асосий мақсад тадбир иштирокчиларига жаҳон пахта ва тўқимачилик саноатини ривожлантиришга доир муҳим масалаларни муҳокама қилиш, тола ишлаб чиқарувчилар ҳамда харидорлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ўзаро манфаатли илмий-техник, савдо-иқтисодий алоқалар истиқболларини белгилаб олиши учун қўлай мулоқот майдонини яратишдир.

— Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси бозор нархларини белгиламайди, бозор механизмлари ҳам аралашмайди. Аммо унинг қотибяти бозордаги жорий ҳолатни баҳолаш учун зарур, айни пайтда ўта кимматли маълумотларни тақдим этади, — дейди ташкилот Доимий қўмитаси раиси Клаудия Ф. Табиассен. — Бинобарин, у органик пахта етиштириш, янги ғўза навларини яратиш ва синаш каби тармокдаги илгор ишланмаларни кузатиб боради. Толани ҳолис таснифлаш ишларида фаол иштирок этади. Фурсатдан фойдаланиб, ана шундай долзарб масалалар муҳокама этилишига ҳар томонлама қўлай шарт-шароитлар яратилгани, айниқса, ташкилий масалалар юксак

даражада маромига етказилгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирамыз.

Йилгилиш ва ярмарка ишида дунёнинг 50 дан зиёд мамлакатларидан 1500 га яқин хорижий меҳмон ҳамда маҳаллий мутахассислар қатнашмоқда. Соҳа мутахассислари, экспертлар, олим ва иқтисодий таҳлилчилар ялли мажлисда иштирок этиб, пахтачилик тармоғининг стратегик йўналишлари ҳамда иқтисодий барқарор ривожлантиришнинг илгор тажрибалари ҳақида энг янги маълумот ҳамда тавсияларни олмақдалар.

— Бугун соҳа олдида турган долзарб масалалардан бири пахта етиштириладиган майдонлар ҳолатини яхшилашдир, — дейди қўмита таркибидagi Пахта ишлаб чиқариши ижтимоий, экологик ва иқтисодий тавсифлари бўйича экспертлар гуруҳи (SEEP) раҳбари Аллан Вильямс. — Чунки турли экологик омиллар таъсирида ерларнинг шўрланishi баробарида, тупроқ унмуддорлиги пасайиб кетмоқда. Бунинг олдини олиш учун, энг аввало, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, органик дехқончилик тамойилларига асосланиб, кимёвий воситалардан имкон қадар фойдаланмаслик зарур. Бу борада Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ қилинаётган лойиҳалар эътиборга моликдир.

Тадбир иштирокчилари ялли мажлисдан сўнг XIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси доирасида ташкил этилган жорий йилги ҳосилдан ишлаб чиқарилган пахта толаси намуналари ҳамда тайёр тўқимачилик маҳсулотлари кўргазмаси билан яқиндан танишдилар.

Кейинги йилларда юртимизда пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш борасида улкан утуқларга эришилмоқда. Бу қишлоқ ҳўжалигининг муҳим тармоғи бўлган пахтачиликда чўқур ишловлар

олиб борилаётгани, навларни тўғри жойлаштиришдан тортиб, экинни парварилаш, ҳосилни йиғиштириб олиш, қайта ишлаш ва етказиб бериш бўйича яхлит тизим ишлаб чиқилгани самарасидир.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, тола баҳосини белгилашда сифат энг бирламчи омил ҳисобланади. Ушбу жиҳат инobatга олинган ҳолда, мавжуд пахта тозалаш корхоналари модернизация қилиниб, ишлаб чиқаришга инновация тадиқотлар қўлланилаётган. Бу жарағна етакчи илмий, академик, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, шунингдек, машинасозлик-қурилиш корхоналари кенг жалб этилаётгани, амалиётга янги авлод ускуналарини муваффақиятли татбиқ қилиш имконини бераётган. Хусусан, биргина 2017 йилги Инвестиция дастури асосида пахтани қайта ишлаш жаҳзасида умумий қиймати 27,2 миллион АҚШ долларлик 34 та инвестициявий лойиҳа амалиётга киритилаётгани диққатга сазовор.

Тизимдаги бу каби техник ва технология янгиланишлар, амалиётга жорий қилинаётган инновация илмий янгилар туфайли толамизнинг сифат кўрсаткичлари тубдан яхшиланаёпти. Бу эса бугунги кунли рақобат шароитида жаҳон пахта бозоридан мустақкам жой эгаллашмишда ҳал қилувчи аҳамият эга бўлмоқда.

— Ўзбекистонда пахта саноати тизимдаги етакчилик мавқеини аста-секин тўқимачилик саноатига бўшатиб бераётгани диққатга сазовор, — дейди "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти бошқармаси бошлиғи Жасур



Рустамбеков. — Гап шундаки, кейинги йилларда экспортда пахта толаси эмас, аксинча, у асосида тайёрланган маҳсулотлар улуши ортиб бораёпти. Бунда истиқлол йилларида соҳага 2,5 миллиард доллардан ортиқ инвестициялар жалб этилиб, 300 дан зиёд замонавий корхоналар ишга туширилгани, мавжуд қувватлар эса тубдан модернизация қилингани муҳим аҳамиятга эга. Натижада Европа ва Осиё бозорларини забт этган тўқимачилиримиз янги-янги брендлар билан бошқа савдо йўлақларини ҳам очмоқда.

Республикамизда 3000 дан ортиқ энгил саноат корхоналари рўйхатга олинган бўлиб, шундан 450 дан зиёди "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти тизимида бирлашган. Бугунги кўргазмада улар орасидан 100 та йирик ишлаб чиқариш субъекти ўз маҳсулотларини намойиш этаётган.

— Ярмарка биз, ишлаб чиқарувчиларга ички ва ташқи бозор талабини ўрганиш, янги ҳамкорлар топиш имконини бераёпти, — дейди "Истиқлол текстиль дизайн" МЧЖ экспорт бўлими бошлиғи Фарҳод Мамажонов. — Бу йил энг янги маҳсулотларимизни олиб келганмиз. Кўйлақлар, қишки устки

кийимлар, костюм-шимлар шулар сирасига кириди. Бугунги кунда тайёрлаётган маҳсулотларимизнинг 40 фоизини Россия, Қозғистон, Туркия давлатларига экспорт қилаёмиз. Келгусида бу рақамни янада ошириш ниятидамыз. Хусусан, ярмарка доирасида 500 миң долларлик экспорт шартномалари имзоланиши кутиляпти.

Ярмарка қўндалиги тадбирларга ўта бой бўлиб, жумладан, илкор бозор Ўзбекистон ҳамда Жанубий Корея дизайнерлари иштирокида маҳорат дарслари, тўқимачилик маҳсулотлари экспортини кенгайтириш бўйича семинар-тренинг, газлама ва тўқимачилик матолағига ишлов беришда рақамли босма ускуналар, "3D" графикасидан фойдаланиш борасида техник мулоқотлар ўтказилади. Бу эса ўзбек тўқимачилик маҳсулотларини етказиб бериши янада оптималлаштириш, экспорт географиясини диверсификация қилиш, хорижий компаниялар билан узоқ муддатли ҳамкорликни янада мустақкамлашга хизмат қилади.

Куннинг иккинчи ярмида ялли мажлис шўьбаларга бўлинган ҳолда, ўз ишини давом эттирди. Биринчи очик сессия мавзуси жаҳон пахта бозорига бағишланди. Мазкур анжуманда "Ўзбекистон пахтачилик тармоғи: рақобатдорлик ва истиқболдаги устувор йўналишлар" мавзудаги қиқши, айниқса, барчада катта қизиқиш уйғотди.

Умуман олганда, 27 октябрда давом этадиган йилгилиш доирасида халқаро пахта бозорининг ҳозирги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилиш асосида, муҳим саноат хом ашёси етиштириш, уни бирламчи ҳамда чўқур қайта ишлаш, савдо, логистика ва суғурта масалалари юзасидан қўллаб очик, мавзули сессиялар ўтказилиши белгиланган. Шунингдек, ғўза селекцияси, агротехника, ҳосилни зараркундалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш, тола сифатини баҳолаш каби масалалар Ўзбекистон тажрибаси мисолида ўрганилади.

Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг 76-йилли мажлиси доирасида аънавий равишда ўтказиб келинаётган "Йил олими" халқаро мукофоти голиби ҳам эълон қилинди. Бу сафар ушбу нуфузли ва шарафли номга Техас университети (АҚШ)нинг Тупроқшунослик ва қишлоқ ҳўжалиги фанлари кафедраси профессори Д. Стелли сазовор бўлди.

Ўзбекистон мезбонлик қилаётган ялли мажлис ҳамда ярмарка дунё пахта саноатининг бугунги аҳоли, ютуқ ва камчиликларини муҳокама қилиш, маҳсулот етказиб бериувчилар ва қайта ишловчилар учун ўзаро манфаатли маслаҳат майдонига айланган.

Санд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олин суратлар.

## СўЗ — ЯРМАРКА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Мухаммад НАЖИМ, Халқаро пахта тадиқотчилари уюшмаси раиси ўринбосари:**

— Мутахассис сифатида дунё қишлоқ ҳўжалиги, хусусан, пахта етиштиришдаги тажриба ва амалиётларни мунтазам ўрганиб, таҳлил қилиб бораман. Биласмизми, бу борада Ўзбекистон алоҳида аҳамиятга эга. Чунки давлатингиз ҳақида пахта етиштириш ҳамда уни қайта ишлаш борасида энг йирик мамлакатлардан бири ҳисобланади. Хар йили аънавий тарзда ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси эса соҳа вакиллари учун муҳим тажриба алмашув ҳамда истиқболли ҳамкорликни йўлга қўйиш ёки ривожлантириш учун йирик майдондир. Шу боис мазкур тадбирларга қизиқиш жуда юқори.

Узим мисрликман. Бизда ҳам пахта етиштирилиши баробарида, хориждан ҳар йили 120 миң тонна пахта толаси сотиб олинади. Шулар орасида Ўзбекистон ҳам бор. Яъни ушбу йўналишда юртингиз билан ҳамкорлигимиз яхши йўлга қўйилган.

Яна бир гап. Галдаги форумга пахта хом ашёси

етиштирувчи давлатлардан ҳам кўплаб вакиллар тақлиф этилган. Бу, ўз навбатида, иштирокчилар учун юртингизнинг ижтимоий-иқтисодий, инвестициявий салоҳияти билан яқиндан танишиш баробарида, ўзаро тажриба алмашуш, манфаатли келишувларга эришиш имконини беради.

**Ориф АҚМАД, "Teamcot" компанияси директори (Бангладеш):**

— Ўзбек пахта толасидан тайёрланган маҳсулотлар жаҳон бозорида юксак қадрланади. Бу бежиз эмас. Чунки Ўзбекистон заминида етиштирилган пахта толаси халқаро стандартларга тўла мос келади. Ўзбекистон бу борада Бангладешнинг муҳим ҳамкорларидан бири саналади. Яъни биз тўқимачилик саноати учун зарур бўлган хом ашёнинг асосий қисминини юр



# Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор — бу аввало халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор

Жорий йилнинг 3 август куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг миллий маданиятимизнинг кўзга кўринган намоёндалари, атоқли шоир ва адиблар, театр, кино, мусиқа санъати соҳасининг таниқли ҳамда ёш вакиллари, санъатшунос олимлар, журналистлар билан самимий руҳда кечган учрашувдаги маърузасида халқимизнинг айна дилидаги гаплар айтилган эди. Маданиятимиз ва санъатимизнинг ривожланиш жараёни халқимизнинг, танқидий баҳолалиб, ўз ечимини кутатган долзарб муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш ҳақида атрофлича фикр юритилди. Эртанги кунимиз, фарзандларимиз икболлини ўйлаб билдирилган мулоҳазалар шу азият ва жонахон Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси ҳаётига дахлдорлиги билан янада аҳамиятлидир.

## ГАМХҲҮРЛИК

**Мустафо БАФОВЕВ, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, бастакор:**  
— Мусиқа илоҳий қудратга эга. Унинг таъсирида инсон қалбига эзгу ҳислар ғўш уради. Шу боис куй-наво эшитганда, руҳиятимиз тетиклашади, кайфиятимиз кўтарилади. Дилбар куйни яратиш, одамларга ҳушнудлик улашишга интилганларни биз бастакор деймиз, ижодкор сифатида ҳурмат қиламиз. Уларнинг жамиятда эъзозланиши эса ўша юртинг маънавий юксаклигидан дарак беради. Шу маънода, Президентимиз маърузасида жуда кўп масалалар, тақлифлар ўртага ташландики, бу ҳар биримизни чекисиз қувонтирди. Айни пайтда зимманимизга катта масъулият юклатди. Давлатимиз раҳбари ўша йиғилишда ижодкорларни қўллаб-қувватлаш бўйича нима деган бўлсалар, барчаси изчиллик билан амалга ошириляпти. Жумладан, "Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси" фаолиятини ташкил этиш тўғрисида, "Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш" Илҳом жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида"ги тарихий аҳамиятга эга қарорлар қабул қилинди. Шу боис

ҳамкасблар бир-биримизни кўрганда, қўллаб, давлатимиз раҳбари билдирган мулоҳазалар ҳақида суюниб фикр алмашаяпмиз. Қолаверса, Президент ташаббуси билан "Асака" банкнинг Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг дўстлари клубига бириктирилиши зимманимиздаги масъулиятни янада оширади. Айни пайтда ушбу молия муассасаси билан ҳамкорликда бир қатор эзгу лойиҳаларга қўл урилмоқда. Бу эътибор ҳамда гамхўрлик барчамизни пировард мақсад — маданият соҳасида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларимизнинг ҳақиқий санъатни англашига ўргатиш, уларнинг эстетик оламига соғлом асосда шакллантиришга хизмат қилади.

**Хулоса НАСИМОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, режиссёр:**  
— Ёшлар таълим-тарбиясида мактаб, коллеж ва лицейларнинг ўрни қанчалик муҳим бўлса, кино ҳамда театрининг аҳамияти ҳам шу қадар юксак. Яъни фарзандларимиз ўқув муассасаларида яхши таълим олса-ю,

экранлар орқали бачкана, ижтимоий юки йўқ бадиий фильмларни кўрса, тарбиясига салбий таъсир этиши мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, Президентимиз айтганларидек, кино соҳасида муайян ютуқлар билан бирга, жиддий нуқсон ва камчиликлар ҳам кўзга яққол ташланади. Юртбошимизнинг: "Баъзи фильмларда майда мақсадлар билан яшайдиган, ҳаётга фақат истеъмолчилик кайфияти билан қарайдиган кимсалар асосий қаҳрамон сифатида тасвирланаётгани ташвиш уйғотмасдан қўймайди. Энг ёмони, номдор санъаткорлар, ҳатто "Ўзбекистон халқ артисти" деган юксак унвонга сазовор бўлган актёрлар ҳам мана шундай киноларда турли бачкана ролларни ижро этмоқда. Аввал дурстгина фильмлар яратган режиссёрлар ҳам, сал ўтмасдан, хом-халта асарлар билан томошабиларнинг илҳосини қайтармоқда", деган гаплари биз учун катта сабоқ бўлди.

Бу фикрлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда, ишимизни муносиб давом эттириш, ибрат қилиб кўрсатса арзийдиган фильмларни суратта олишимиз учун эса барча шарт-шароит етарли.  
Айни вақтда бугун жаҳонда кечатган глобаллашув жараёни, мамлакатимизни модернизациялаш ва янгилашнинг устувор вазифалари барча соҳа ҳамда тармоқлар қаторида, кино санъати фаолиятини ҳам таъминлаштириш, соҳа ривожини унвон ижтимоий яратилиш талаб этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг "Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бизга улкан қанот, битмас-туғанмас куч-ғайрат бағишлади. Қисқача айтганда, ҳаммаимиз учун энг шимариги, фидойилик кўрсатиб ишлайдиган давр келди.

## Санобар РАҲМОНОВА,

хонанда:  
— Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ижодкор эътиборли вакиллари билан учрашувда кўплаб санъаткорлар қатори менинг ҳам камтарона ижодимни эътироф этганларидан бошим кўкка етди. Мана, халигача қариндош-уруғ, қўни-қўшилар, маҳалладошларим бу ҳақда гапириб, эзгу ниятлар билдиришяпти. Ростки, давлатимиз раҳбарининг сўзлари мени шу қадар руҳлантирдики, қани эди, ҳозир ёшларим қайтиб келса-ю, мана шундай имкониятдан фойдаланган ҳолда, бор кучимни санъатимиз ривожига бағишласам, дейман. Бироқ армонга ҳоҳат йўқ! Зеро, ижодкорга булган бугунги эътибор ғайратимизга ғайрат қўшади.

Биз қайси касб эгаси бўлишимиздан қатъи назар, ўз маънавиятимиз, маданиятимиз, одоб-ахлоқимиз билан мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўишни доимий бурчимиз, деб билишимиз шарт.  
Юртбошимизнинг санъат соҳасида олиб борилиши керак бўлган ишлар хусусидаги фикрларидан руҳланган ҳолда, ўз олдимга улкан вазифаларни белгилаб олдим. Биринчидан, ёш авлодни тарбиялаш, уларга устуворлик меҳрини бериш. Бинобарин, санъатнинг инсон маънавиятига бўлган ижобий таъсирини ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди.

Биз маданияти, аъналарини, тарихий улғ халқимиз, Буюк бобокалонларнинг авлодларимиз. Ана шундай улғворлик маъсулиятимиз эгитган ҳолда яшамогимиз, меҳнат қилмогимиз керак.

«Халқ сўзи» мухбири **Мақсуд ЖОНИХОНОВ** ёзиб олди.

## Спорт

### Жисмоний ва маънавий соғлом

авлодни вояга етказиш энг устувор мақсад

Мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбияси давлатимизнинг доимий эътиборидаги масалалардан биридир. Шу боис ҳам истиқлол йилларида ўғил-қизларимизни билимли, маънавий етуқ, айни пайтда жисмонан соғлом қилиб камолга етказиш йўлида кенг қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этиляпти.



Бундан роппа-роса ўн беш йил муқаддам тузилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолияти ҳам ана шу эзгу мақсадга қаратилган. Ушбу жамғарма республикамизнинг барча ҳудудда жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техника базасини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш, умумий ўрта таълим мактабларида, шунингдек, аҳоли яшаш жойларида замонавий спорт мажмуаларини бунёд этиш, уларни бугунги замон талабларига мос спорт анжомлари билан жиҳозлаш, ушбу иншоотлардан самарали фойдаланишни таъминлаш каби қатор вазифаларни амалга ошириб келмоқда.

Фаргона вилоятида ҳам 2003 — 2016 йилларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 186 та спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уларнинг аксарияти умумтаълим мактаблари қошида барпо қилинганлиги ўқувчиларнинг ўзлари қизиққан спорт тури билан мунтазам шугулланишлари учун катта қулайлик яратди.  
— Жорий йилда Жамғарма маблағлари ҳисобидан 3 та янги спорт иншооти, жумладан, Фарғона шаҳрида кўп тармоқли спорт комплекси, Қува туманида ёшқизлар эса универсал спорт зали қуриляпти, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Фарғона вилояти филиали директори Рустан Холиқназаров. — Инфратузилманинг таъминлаштириб борилаётгани туфайли спортга ошно ёшлар сафи ҳам тобора кенгаймоқда. Масалан, ўтган йили вилоятдаги болалар спорт иншоотларида бир кунлик ўқувчи қамрови 18 200 нафарни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич жорий йил-

да 10,2 фоиз ошди. Спорт мажмуаларидан кунлик фойдаланиш самарадорлиги эса ўртача 11,4 соатга етди.

Айни пайтда ҳудуддаги 27 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабиди 39 800 нафар ўғил-қиз спорт билан мунтазам шугулланаётди. Шундан 11 мингга яқини қизлардир. Таълим муассасаларида ёшларнинг жисмоний чиниқishi учун етарли имконият мавжуд.

— Ота-оналар фарзанд тарбиясида спорт муҳим аҳамият касб этишини яхшироқ англаб етмоқда, — дейди Богдоқ тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи Зиёбек Баҳодиров. — Баъзан улар билан суҳбатлашганимизда, ўғиллари ёки қизларининг қайсида спорт тури, масалан, футбол, волейбол ёки бадиий гимнастика машғулотларига қатнашига имконият яратиб беришгач, ҳеч қанда вақт ўтмай уларнинг ўқинишга юриш-туришида ижобий ҳиҳатлар кўзга ташлана бошлаганини фахрлик билан гапириб беришяпти. Бундай илқик муносабатлар, албатта, спортнинг мамлакат миқёсида оммалаштиришда катта ўрин эгаллайди. Мактабимизда 600 дан зиёд ёшлар 13 спорт тури билан мунтазам шугулланмоқда. Тарбияланувчиларимиз халқроқ миқёсдаги мусобақаларда ҳам муваффақият қатнашишга интилишяпти. Утган йили Самандар қишлоғида таълим муассасамиз тасарруфидидаги 200 қатновга мўлжалланган филиал фаолият бошлади. Бу ҳам янги истеъдодларни кашф этишга, камолга етказишга хизмат қилишига ишончим комил.

Элвжон ЭҲСОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Шакардан 30 баробар ширин

Избоскан туманида фаолият юритувчи «Оллоберди асали» фермер хўжалигининг раҳбари Расулжон Қутубов стевия, яъни «асали япроқ» ўсимлигини маҳаллий иқлим шароитига мослаштиришга муваффақ бўлди.

## ИЗЛАНИШ

— Стевия шифобахш ўсимлик ҳисобланади, — дейди Расулжон. — Барги шакардан 30 баробар ширин. Ундан тайёрланган ичимлик парҳезоб бўлиб, қандли диабет, семизлик, бавосил, қабзят, иммунитет танқислиги, уйқусизлик ва асабийлашши, бош оғриғи, остеохондроз, гангрена, оёқ шишиши, қон босимининг кўтарилиши-тушиши, соч тўкилиши каби кўплаб касалликларни даволашда қўл келади.

Айни пайтда фермер хўжалиғи даласида 4000 туп стевия кўчати парваришланаяпти. Уни кўпайтириш борасидаги ишлар жадал давом эттирилмоқда. Зеро, бир гектар майдонга 75 минг туп кўчат экилса, ундан куруқ ҳолда 500 килограмм барг йиғиб олиш мумкин экан. Яъни ҳар гектар майдондан 500 миллион сўмгача даромад қилса бўлади.

Саминжон ҲУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

**«FPI DELIVERY SERVIS» МЧЖ**  
боғ қатор оралари, ёссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ва хашак ўришга мўлжалланган илҳам, қулай ҳамда камхарajatли мотокультиваторларни ва «LIUGONG» русумли экскаватор ҳамда бульдозерлар учун эҳтиёт қисмларни тавсия қилади.  
«TIGUAN» русумли мотокультиваторлар 6 ва 9 от кучига эга.  
Дизель ҳамда бензин ёнилғисиди ишлайди.

Маҳсулотлар сертификатланган.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 8-уй. Мўлжал: Юнусобод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси.  
Маълумот учун телефонлар: (+99890) 986-80-68, 968-56-77, 989-09-62, (0-371) 234-35-71.  
[www.motoblok.uz](http://www.motoblok.uz)

## «Бухоро шаҳри кунин»

фестивали энди аънамага айланади

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухорода шу пайтга қадар "Илпак ва зирворлар", "Бухоро хунармандалари" фестиваллари, "Қовун сайли" каби тадбирларни ўтказиш аънамага айланган. Эндиликда улар қаторига яна бир анжуман — "Бухоро шаҳри кунин" фестивали қўшилидиган бўлди. 22 октябрь кунин қадимий шаҳарда шу сана илк бор кенг нишонланди.

## КАДРИЯТ

Президентимизнинг 2017 йил 19 майдаги 2017 — 2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбир чинакам байрам тусини олди.



Фестиваль "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументига гул қўйиш маросими билан бошланди. "Мен Бухорони севман" деб номланган марафон қатнашчилари ўз фаолиғи билан соғлом турмуш тарзини тарғиб қилдилар. Бухоро мусикали драма театрида мамлакатимизнинг таниқли олимлари ва тадқиқотчилари иштирокида қадимий кентнинг тарихи, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасига бағишланган илмий-амалий анжуман уюштирилди. Шундан сўнг, асосий тадбирлар шаҳарнинг қадимий қисмида давом эттирилди. Лабизоув мажмуаси, карвонсарой ва мадрасаларда мўлжалли хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмалари, фольклор-этнография дасталарининг концерт дастурлари намойиш қилинди. Халқ амалий санъати усталарининг маҳорат сабоқлари, расомлар кўргазмаси, кураш мусобақалари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

ри меҳмондўст, самимий. Кураш мўнда унутилмас таассурот уйғотди. Ушбу саёҳатдан жуда катта завқ олаётимиз.

— Бу ерга келишдан олдин Тошкент ва Хива шаҳарларида бўлдик, — дейди яна бир суҳбатдошимиз, франциялик сайёҳ Пьер Мизон. — Ўзбекистоннинг ҳар бир гўшаси ўзига хос. "Бухоро шаҳри кунин" тадбирларида қатнашиб, юртингиз тарихи, маданияти, миллий урф-одатлари ҳақида жуда кўп нарсани билиб олдик. Бу ерга яна келиш ниятидаимиз.

Фестиваль доирасида тайёрланган миллий таомлар, "Очик осмон остидаги музей" деб номланган кўргазма, "Бухоро — Шарқ гаҳари" фото ва видеоликлар, "Энг яхши архитектор", "Энг яхши туристик ташкилот", "Энг яхши меҳмонхона" кўрик-танловлари ҳам ташриф буюрганлар эътиборини тортди. Ҳар бир йўналиш ҳолиблари эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Бухоро сайёҳлик салоҳиятини бутун дунёга таништириш, туризм саноати ва инфратузилмасини янада таъминлаштириш, хорижий меҳмонларга қулайликлар яратиш каби мақсадларни ўз олдига қўйган ушбу фестивал таниқли эстрада хонандалари ижросидаги концерт дастури билан якуланди.

Истам ИВРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Ҳамюртимиз бош соврин соҳибин

Малайзиянинг Кучинг шаҳрида теннис бўйича ўтказилган "Фьючерс" туркумига кирувчи халқроқ турнирда истеъдодли спортчимиз Жўрабек Каримов муваффақиятли қатнашди.

Ярим финалда япониялик Рёта Танумадан устун келган Жўрабек халқроқ турнирда АҚШ вакили Эван Солунга қарши қорғта чиқди. 1 соату 34 дақиқа давом этган мurosасиз ўйинда ҳамюртимиз рақибини 7:6, 6:2 ҳисобида

мағлубиятга учратди ва фаолиятидаги дастлабки бош совринни қўлга киритди.  
Энди у жорий ҳафта Куала-Лумпур шаҳрида бўладиган турнирда ўз маҳоратини намойиш қилади.

## Чемпионлик йўлида

Профессионал боксда қатор галабаларни қўлга киритган ҳамюртимиз Санжар Раҳмонов АҚШ-нинг Лас-Вегас шаҳрида навбатдаги жангини ўтказди.

Учинчи бор рингга қўтарилган Санжар мезбонлар вакили Жон Далпердангни

оқчолар ҳисоби бўйича ёнғди. Мазкур муваффақият

## Халқроқ мусобақадига муваффақият

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида 24-халқроқ шахмат фестивали ниҳоясига етди.

Турли мамлакатлардан жами 275 нафар "ақл гимнастикаси" устаси, жумладан, 14 нафар гроссмейстер ва 22 нафар халқроқ спорт устаси иштирок этган мазкур мусобақад

ўзбекистонлик Нодирбек Ёқуббоев биринчи ўринни қўлга киритди. Россиялик гроссмейстер С. Сюгиров, хиндистонлик Р. Вайяли мос равишда 2 ҳамда 3-погоналардан жой олди.



Блиц-турнир 13 турдан иборат бўлиб, швейцарча тизимда ўтказилди.

Суннатилла ИСЛОМОВ тайёрлади.

## Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиғи

### ФУҚАРО МУҲОҲАЗАСИ ИНСТИТУТИ

куйдаги вакант (бўш) лавозимларга танлов эълон қилади:

- Ҳарбий гуманитар фанлар кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.
- Радиацион, кимёвий ва тиббий биологик муҳофаза кафедраси: доцент — 1 ўрин.
- Муҳандислик муҳофазаси ва иктисодий объектлари барқарорлиғи кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин.
- Радиацион кимёвий, биологик (бактериологик) муҳофаза ўқув гуруҳи: кўтқарувчи-ҳайдовчи — 2 ўрин.
- Илмий-амалий тадқиқотлар бўлими: етакчи илмий ходим — 1 ўрин.
- Илмий бўлими: катта илмий ходим — 1 ўрин.
- Зиялиланган симуляция қилиш маркази: етакчи мутахассис (психолог) — 1 ўрин.
- Ахборот-коммуникация технологиялари маркази: 1-тоифали мутахассис — 1 ўрин.
- Тиббиёт пункти: катта ҳамшира — 1 ўрин.

Танловда қатнашиш истистадаги номзодлар тегишли ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиғи Фуқаро муҳофазаси институти кадрлар ва шахсий таркиб билан ишлаш бўлимига топширишлари лозим.

Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика кўрғони, Анайбулоқ кўчаси, 3-уй. Мурожаат учун телефон (0-371) 266-50-21.

Ўзбекистон Бадиий академияси жамоаси академия раиси, Ўзбекистон халқ рассоми, академик Акмал Нуридиновга онаси  
**Ҳикматой НУРИДИНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га  
**ЭЪЛОНЛАР**  
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.  
9.00 дан 18.00 гача  
**232-11-15,**  
**232-10-63.**  
E-mail: reklama@xs.uz

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1045. 76 181 нусхалда босилди, ҳаҳим — 2 табок. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Технриятта келган кўбемалар тақриб қилинмайд ва муаллифга қайтарилмайд. Тезликка материалларни учун тахрират жазоблар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обуювани расмийлаштиришга ташкилот жазоблар.

Газета тахрират компьютер марказиди таралди ҳамда оператор Ж. Топас томониди сақдаланади.

Газетанинг полиграфия жидатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" иширёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.  
Навбатчи — М. Холматов.  
Мусаххач — С. Исмолов.

«Шарқ» наширёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили:  
«Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 23.35 2 3 4 5 6